

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

603 Адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2017 йил 1 январдан бошлаб:

а) нотариал ҳаракатларни содир этганлик учун ундириладиган давлат божи суммаларининг қуйидагича тақсимланиши белгилаб қўйилсин:

78 фоизи — туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадига;

12 фоизи — Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини шакллантиришга;

10 фоизи — маблағларни адлия органларининг шахсий ҳисоб рақамларида жамлаш йўли билан давлат нотариал идораларини ва нотариал архивларни молиялаштиришга;

б) ундириладиган герб йиғимидан туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадига ажратмалар:

гербли (махсус) бланкаларда ишончномалар ва битимларни нотариал тасдиқлаганлик учун — 50 фоиз миқдорига;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан гербли гувоҳномалар берганлик учун — 15 фоиз миқдорига.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги нотариал ҳаракатларни содир этганлик учун тушган давлат божи ва герб йиғими суммасидан адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамида жамланган маблағлар қолдиғи қисмидан камида 70 миллиард сўмни 2016 йил 26 декабргача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига 2017 йил 1 январдан бошлаб ўзгартиришлар киритилсин.

4. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 23 декабрь,
413-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 23 декабрдаги 413-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
2017 йил 1 январдан бошлаб киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 3-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандида:

а) иккинчи хатбоши қўйидаги мазмундаги иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Герб йиғимидан тушадиган маблағлар қўйидаги тартибда тақсимланади:

50 фоизи — туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадига;

50 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг гозначилик ҳисоб рақамларига ўтказилади ва гербли бланкалар тайёрлашга ҳамда бошқа шахсга бериш тақиқланган ва хатлаб қўйилган автоматотранспорт воситалари тўғрисидаги электрон маълумотлар банкини яратишга, шунингдек адлия органлари ва муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирларига мақсадли тартибда сарфланади»;

б) учинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2010 йил 5 майдаги ПФ-4216-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2010 йил 2 июндаги 104-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 6-сон, 25-модда):

а) 2-бандда:

иккинчи хатбошидаги «73» рақами «78» рақами билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «15» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«герб йиғимидан тушадиган маблағларнинг бир қисми».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Гербли гувоҳномалар шаклларини ва уларни берганлик учун герб йиғими миқдорини тасдиқлаш тўғрисида» 2012 йил 25 апрелдаги 119-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 4-сон, 29-модда) 6-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Белгилансинки, герб йиғимидан тушадиган маблағлар қўйидаги тартибда тақсимланади:

15 фоизи — туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадига;

85 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг газначилик ҳисоб рақамларига ўтказилади ва гербли гувоҳномалар ва фуқаролик ҳолати ёзувлари бланкаларини тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни қоплашга, шунингдек адлия органлари ва муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирларига йўналтирилади».